

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК КИНОМУСИҚАСИ

Чаршемов Ж.

*Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали*

**Аннотация:** Ушбу мақолада “Мустақиллик йилларидаги ўзбек киномусиқаси” хақида сўз бориб, профессионал композиторлар ва сценаристлар томонидан ёзилган кинолар хақида сўз эритилади. Шунингдек мустақиллик йилларида республикамізда сўратга олинаётган кинофильмлар ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлилларга ёндошган ҳолда очиб берилди.

**Калит сўзлар:** кино, киномусиқа, кинематография, актёр, сценарий, режиссёр, партитура, композитор.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается «Узбекская киномузыка в годы независимости» и фильмы, написанные профессиональными композиторами и сценаристами. Также путем их анализа выявлены фильмы, снятые в нашей республике в годы независимости, и их специфика.

**Ключевые слова:** фильм, киномузыка, кинематография, актёр, сценарий, режиссёр, партитура, композитор.

**Abstract:** This article examines “Uzbek film music in the years of independence” and films written by professional composers and screenwriters. Also, through their analysis, films made in our republic during the years of independence and their specificity were identified.

**Key words:** film, film music, cinematography, actor, script, director, score, composer.

Мустақиллик даври ўзбек бадий кинеси мустақиллик, демократия ва миллий гоя принциплари қарор топаётган янги тарихий даврда ривожланиди. Зеро, кино санъати жамиятда кечаётган муҳим воқеалардан четда туриши мумкин эмасди.

90-йиллар жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий сиёсий ўзгариш, мустақилликка эришиш муносабати билан ўзбек кинесида ҳам кескин бурилиш бўлди. Давлат кинокомпанияси ташкил этилди. «Инсон», «Юлдуз», «Иймон», «Ватан», «5-студия» каби ўз дастурига эга бўлган мустақил ижодий бирлашма — студиялар юзага келди. Кино олий ўқув юртларини битириб келган ёш режиссёр ва актёрлар ҳисобига кино ижодкорлари сафи кенгайди. «Темир эркак» (1991, реж. И.Эргашев композитор Ф.Зокиров), «Камми» (1991, реж. Ж.Файзиев композитор Д.Янов-Яновский), «Тушларимда гамгин йиглайман» (1991, реж. С.Назармуқамедов композитор Е.Ширяев), «Кўзларим йўлингда» (1991, реж. Ф.Мусажонов, М.Абзалов композитор М.Махмудов), «Қиёмат кун» (1992, реж. Д.Абдуллаев композитор Д.Янов-Яновский), «Ўғриям одам» (1992, реж. И.Эргашев композитор А.Икромов), «Шариф ва Маъриф» (1993, реж. И.Эргашев композитор А.Эргашев), «Тилла

бола» (1994, реж. И.Эргашев композитор А.Эргашев), «Даллол» (1992, реж. Б.Одилов композитор Ж.Изомов), «Тонг отгунча» (1993, реж. Ю.Азимов композитор Н.Зокиров), «Бомба» (1995, реж. З.Мусоқов композитор А.Эргашев) ва бошқалар ўша йиллар махсулидир. Республика кинематографиясини ташкил этиш даражаси ҳамда унинг Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, кўп асрлик маънавий, маданий қадриятлар ва миллий анъаналарни қайта тиклаш ҳамда бойитиш, шунингдек бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда миллий кинематография тараққиётини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси 1996 йилда «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компаниясига айлантирилди.

Ўтган даврда яратилган қирққа яқин картинани яхшигина ижодий тажрибага эга бўлган санъаткорлар ва дебютант режиссёрлар яратганлар.

1991-1996 йилларда комедия жанрида ривожланиш кўзга ташланди. Бу жанр ҳатто театрда ҳам, телевидениенинг баъзи кўрсатувларида ҳам биринчи планга чиқа бошлади. Шу йилларда яратилган комедияларнинг кўпчилиги маиший характерда бўлиб, абсурд воқеалар асосида (И.Эргашев, "Темир эркак") ёки парадокс фактлар асосида (З.Мусоқов "Бомба"), ё бўлмаса сўз ўйинига асосланиб (И.Эргашев "Шариф ва Маъриф", "Шариф ва Маъриф Тошкентда") яратилган.

"Ўзбекфильм"да фильмларни суратга олиш давом этди, бироқ киножараёнда тургунлик кўзга ташланди. Нимагадир 1991-1996 йиллар киноси айнан шу йиллардаги реал воқеалар билан кам боғланган. Бу йиллар ҳақида гапирганда, иккита фильм — "Абдуллажон ёки Стивен Спилбергга бағишланади" (композитор М.Маҳмудов) ва "Тонг отгунча" фильмлари ёдга келади. Мазкур икки асар фикрнинг жиддийлиги, сюжетнинг гоёвий мазмуни ва кинематографик фазилатлари билан ажралиб туради. З.Мусоқов ўз сценарийси асосида яратган "Абдуллажон" фильмида фақат ўзбек кишлоғига келиб қолган ўзга сайёралик бола ҳақида ҳикоя қилишни эмас, ўзбек халқининг қалбини кўрсатишни ният қилган. Ҳамқишлоқларнинг ўзга сайёралик болага самимий муносабатлари орқали тўқсонинчи йиллар ўзбек халқининг руҳий олами, анъаналари ва турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади.

Бадиий кинонинг, республика кинематографиясининг ўша даврдаги аҳволи мавжуд ҳолатни тартибга солувчи чора-тадбир кўришни талаб қиларди. Республика раҳбарияти бу ҳолатни эътибордан четда қолдирмади ва 1996-йил 26-апрелда Ўзбекистон Президентининг "Ўзбеккино" Давлат акциядорлик компаниясини ташкил этиш ҳақидаги Фармони чикди. Кино соҳасида қайта ташкил этиш ишлари бошланиб, "Ўзбекфильм"дан ташқарида тузилган студияларнинг мақомларига аниқлик киритила бошланди. Президент фармонини ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан ишлар бошланди.

1997-2006 йиллар бадиий киносидаги янгилик шу бўлдики, бу давр кино санъати замонга юз тутди. Мавзулар, гоёлар, қаҳрамонлар образлари давр ва ҳаётнинг янги воқеликлари асосида юзага кела бошлади. Бу йилларда яратилган ҳар бир фильмда Ўзбекистон Президентининг нутқи ва

маърузаларида аниқ кўрсатиб ўтилган "маънавий соҳадаги асосий вазифа — миллий кадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий гоё ва миллий мафкурани шакллантириш" вазифалари у ёки бу даражада ўз аксини топди.

XX асрнинг 90-йиллари охирига келиб жаҳон мусикасини компьютер технологияси, синтезатор каби ифода воситалари эгаллаб олган бир даврда жаҳон композиторлик ижодиётида яна табиий мусикий чолгуларга қайтиш жараёни бошланди. Миллий чолгулар ва уларнинг табиий тембрлари янгидан кашф этила бошлади. Бундай мисолни "Буюк Амир Темур" (1998 й.) фильмида кузатиш мумкин. Ушбу фильмга композитор Д.Янов-Яновский мусика басталаган. Унда Соҳибкирон фаолиятининг бошлангич даври ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм сюжети озодлик, мустақиллик, ягона давлат гоёлари билан сугорилган, яъни унда гоёвий асос долзарб характер касб этади. Актёр Б.Мухаммадкаримов ижросидаги Амир Темур образи бор бўйи, кучи ва маҳобати билан намоён бўлади. Соҳибкироннинг ўткир тафаккури, кечинмалари ички монолог деб номланган кучли кинематографик восита орқали берилади. Композитор бош қаҳрамоннинг ички ҳолати, руҳиятининг кечинмаларини ҳаққоний ифода этиш учун фильмда ўзбек халқ чолгуси бўлган чангдан фойдаланган.

"Буюк Амир Темур" фильми давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг бошланишидаёқ Амир Темурнинг қудрати нимада эканлигини кўрсатиб берди. Бу фильм Соҳибкиронга бағишланган театр, адабиёт, рангтасвир ва бошқа санъат турларида яратилган асарлар билан бир каторда туради.

Мустақиллик йилларида ўзбек режиссёрлари бош қаҳрамонлари болалар бўлган бир неча фильмларни сурагга олдилар. "Тилсимой — гаройиб кизалоқ", "Қасамёд", "Ойижон", "Гап", "Ҳайвонот боғи", "Катта ойи" фильмлари болалар ҳаёти, уларнинг орзу-умидлари, қувончлари, болаларча ташвишлари ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг муаммоларини ҳал этишда ёнларида катталар ҳам ёрдамга шайлар. Бошқа бир гуруҳ фильмлар (уларнинг бош қаҳрамонлари болалар) қўйилган саволлар катталарга қаратилгани ва уларга тегишлилиги билан диққатни тортади. "Кичкина табиб", "Кичик одам катта жангда" ("Эҳтирос қурбонлари"), "Орзу ортидан" фильмларида болалар ҳаёти уларни ўраб турган реал муҳит билан боғлиқ ҳолда кўрсатилган. Бу нарсалар болаларнинг характери, ҳатти-ҳаракатларини тушунишга ёрдам беради. Бир вақтнинг ўзида кўз олдимизда кенг ҳаётий панорама намоён бўлади. Бу эса фильмларнинг кизиқарли чиқишини таъминлаган.

Юкоридаги фильмлар сафига "Осмондаги болалар" ва "Осмондаги болалар-2" фильмларини ҳам қўшиш лозим. Мазкур фильмларда ёш замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Дастлабки фильмда қаҳрамонлар мактаб ўқувчилари бўлса, иккинчисида улар катта ҳаёт оstonасига кадам қўйган мустақил шахс сифатида намоён бўладилар. Фильмнинг мақсади аниқ ва оддий: ижтимоий ахволи турлича бўлган, аммо бир-бирига садокатли тўрт йигитчанинг дўстлиги кўрсатилади. Турли характердаги бу болалар ёш, ҳаракатчан ва муҳаббатга чанқоқ. Ёшларнинг ота-оналарини ҳам кўрсатар эканлар, муаллифлар фильм воқеаларини кенгайтирибгина қолмай, бу билан

болаларнинг дўстлигига ҳатто оилалари орасидаги тенгсизлик ҳам тўсик бўлолмаслигини таъкидлайдилар. Болалар орасидаги бирлик фильмнинг ҳам, болалар образларининг ҳам тўлақонли ва қизиқарли бўлишини таъминлаган.

Фильмнинг иккинчи сериясида бу болалар энди катта ҳаёт йўлига чиқиб олганлар. Ҳар бирининг ҳаёти ўз ҳолича давом этапти. Бироқ улар ҳамон дўстликка содиқлар. Бу икки фильм ўзига хос шаклда яратилган бўлса-да, замондошларимиз образларининг галереясини тақдим этди. Айтиш мумкин, шу хусусияти билан ҳам бу фильмлар сўнгги йиллар кино жараёнида воқеа бўлди.

"Феллини", "Аёллар салтанати" ва "Пари Момо" фильмлари сюжет марказида ҳам замондошларимиз образи туради. Бироқ мазкур фильмларнинг кинематографик ечими, шакл жиҳатдан мураккаблиги уларни томошабинга етказишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, бир қатор фильмларда ўзбек кино ижодкорлари муҳим ҳаётий муаммоларни кўтаришга, вужуди яхшилик билан йўғрилган замондошларимиз қиёфасини яратишга ҳаракат қилдилар.

1997-2004 йилларда яратилган фильмлар қаҳрамонлари ўзлари яшаётган даврнинг барча унсурларини қайсидир маънода ўзларида мужассам этган образлардир.

"Дев билан пакана" (2003, реж. Д.Қосимов композитор А.Эргашев) фильми комедия деб номланган. Сюжетида, кўтарилган масалаларга, драматургияси ва режиссурасига кўра бу фильм кўпроқ комедия унсурларига эга бўлган драма жанридаги фильмдир. Аслида ҳам, бош роллардан бирини машҳур комик актёр ўйнагани учунгина фильмни комедия дейиш у қадар ҳаққоний эмас.

"Дев билан Пакана" — жиддий асар, сюжетда, образларда, ҳатто оддий кўз илгамас деталларда, лукмаларда бугунги воқелик ўз кинематографик ечимини топган. Асарларида ҳаётни ҳаққоний кўрсатишга интилаётган ўзбек киночилари учун бу ниҳоятда муҳимдир. Мазкур фильмдаги ана шу янгилик "Эркак" фильмида давом этирилди. Фильм ундаги образларнинг, ҳатто эпизодик ролларнинг ҳам чуқур ва ёрқинлиги билан ажралиб туради.

Асар бош қаҳрамони — ўсмир йигит Жамшид (Элнур Абраев). Ундаги жавобгарлик ҳисси, яқинларига гамхўрлик, фикрлаши ва ҳатти-ҳаракатларидаги жиддийлик, ҳали ёш бўлишига қарамай, эркак деган номга муносиб эканлигини англатади. У пул топиш учун ишлашга кетган акасининг оиласига ўзини жавобгар ҳисоблайди. Акасининг оиласини, хотинини ҳимоя қила туриб, қутилмаганда ўз фикрлари ва ҳаракатларида эркакларга хос қувватни намоён этади.

1991-2004 йиллар орасида турли мавзуларда ва жанрларда, турлича шаклларда яратилган ўзбек бадиий киноси энг аввало бизнинг бугунги кунимизни ёритишга қаратилган. Бу эса кинематографчиларнинг халқ ҳаётида кечаётган тарихий жараёнларда ўз асарлари билан фаол қатнашишга интилаётганларидан далолатдир.

Кўпгина фильмлар турли халқаро фестивалларда катнашиб, нуфузли мукофотларни кўлга киритдилар. Шу билан бирга, бадиий кинонинг айна вақтда ҳужжатли кинонинг ҳам ҳал этилиши лозим бўлган муаммолари мавжуд эди. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 2004 йил 16 мартдаги "Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ўзбек киноси тараққиётида тарихий бурилиш ясади. Бу Фармон ва Қарорларда кинонинг жамият ҳаётидаги мақсад ва вазифалари, уларни ҳал этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилди. Ҳатто кинонинг ҳар бир тури учун бир йилда қанча фильм яратилиши лозимлигигача кўрсатиб берилди. Шунга асосан бир йил давомида 15 та бадиий, 40 қисмдан иборат ҳужжатли, ўн та мультфильм яратиш режаси тасдиқланди ва барча фильмлар давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган бўлди. Президент Фармонидан сўнг орадан ўтган икки йил ўзбек бадиий киносида сезиларли ўзгаришлар қилиш учун, албатта, ниҳоятда қисқа фурсат. Суратга олинаётган фильмлар сони ортди. Мазкур фильмларда кейинги беш йил ичида шаклланган ижодий анъаналар (замонавий воқеликни акс эттириш, бош қаҳрамонлар бизнинг замондошларимиз эканлиги) давом эттирилди. Фильмлар мавзуси турли-туман. Уларнинг баъзиларида ўзбек армияси ҳақида ("Сардор"), гиёҳвандликка қарши кураш ҳақида ("Ҳақиқий эркаклар ови") ҳикоя қилинса, бошқасида мураккаб маънавий-ахлоқий муаммолар кўтарилади ("Кўргулик", "Меҳмон", "Осмон яқин"). 2005-2006 йиллардаги бадиий кинонинг кинематографик савияси бир хил эмас. Баъзи фильмлар тугалланмаган дараматургияси билан ажралиб туради ("Қасамёд", "Гўзаллик сири"), бошқаларида режиссура оқсайди ("Осмон яқин"). Ҳатто "Ватан" фильмида ҳам юқорида айтилган қусурлар кўзга ташланади. Бироқ нафсилам бирини айтганда, сўнгги икки йил давомида ўзбек киносининг энг яхши анъаналари давом эттирилган фильмлар яратилди. Булар "Йўл бўлсин", "Чашма", "Согинч соҳили" фильмларидир.

Мустақиллик йилларида 15 дан ортиқ муаллифлар бадиий фильмлар яратилди ("Бомба", "Кичкина табиб", "Осмондаги болалар", "Ватан", "Воиз", "Дард", "Феллини", "Орзу ортидан", "Чашма", "Согинч соҳили" ва бошқалар). Айнан шундай муаллифлик фильмларининг пайдо бўлиши режиссёрлар ижодий эркинлигининг ёрқин намунасидир. Бинобарин, улар ўзларини ҳаяжонга солган, ўзларига яқин бўлган, ҳаёлларида юрган воқеалар ҳақида фильм яратиш имконига эгалар.

Ўзбек муаллифлик фильмларининг асосий хусусияти шундаки, бу асарларда соф миллий мусиқа ва сюжетлар орқали умуминсоний гоёлар ифодаланади. Шунинг учун ҳам бу картиналарнинг кўплари фақат ўзбек томошабинига завқ багишлаб қолмай, турли халқаро фестивалларда чет эллик мухлисларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Бунга Москва (2006 й.) Халқаро фестивалининг "Истикбол" танловида бош совринга сазовор бўлган "Чашма" фильми ёрқин мисолдир.

Яна бир муваффақиятли фильмлардан бир режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг “Сув ёқалаб” фильми. Композитор Артём Ким томонидан яратилган мусиқа фильмнинг картиналарига ҳамоҳанг тарзда образларни янада бойитди. Айниқса композитор томонидан қўлланилган най ҳамда чанг чолгулари орқали фильмга мос тарзда ўзбекона оҳанглардан фойдаланганлиги янада мазмундор қиёфа очиб беришга хизмат қилди.

Кинорежиссёр Ҳайдаровнинг “Гуноҳ-2” фильмидаги мусиқа ва кўшиқлар ана шундай муваффақиятсиз чиққан. Афтидан, режиссёр ҳинд мелодрамаларига таклид этиб, қаҳрамон қиз ҳаётидаги у ёки бу ҳолатлар оқибатида тугилган ҳис-туйғуларни, изтиробларини кўшиқлар орқали мустаҳкамламоқчи бўлган. Умуман олганда, фильмдаги кўшиқлар ижросига эътироз йўқ. Бу кўшиқлар Ш.Қиличева репертуаридан олинган ва фильмда унинг ўзи куйлайди. Лекин, улар бош қаҳрамон ижросини (артист Ю.Ҳамидова) тўлдирмаган. Кўшиқлар муайян драматургик вазифага эга бўлиши, маълум бир мазмун билан боғланиши учун режиссёр ҳеч нима қилмаган. Оқибатда улар оддий безак - концерт номери бўлиб қолган. Ҳатто ўша ҳинд мелодрамаларида ҳам кўшиқчилар, актёрлар ижроси сценарий мазмунидан келиб чиқади, куй-кўшиқ янграган мизансаҳна эса уни қувватлаб, тўлдиради. “Гуноҳ-2”нинг мусикий камчиликларига эса кинода озми-кўпми ишлаб қўйган бастакор А.Эргашев эмас, режиссёр айбдор.

Тажрибали кинорежиссёр Т.Юнусовнинг “Тангалик болалар” (1992й.) фильми ўзбек кино санъатининг яна бир дурдона фильмларидан ҳисобланади. Фильмда 90-йиллар бошидаги кишлоқ ўспиринларининг ҳаёти ҳақида сўз боради. Композитор М.Маҳмудов тажрибасига таянган ҳолда фильмда ҳар хил жанрдаги мусикалар яратади. Айниқса, бу фильмдаги кўпгина кўшиқлар айнан профессионал ижодкор томонидан ёзилганлиги сабаб ҳозирги кунгача ўз қолипини йўқотган эмас ва ҳалқимиз томонидан севиб тингланади.

Режиссёрлар Мелис Абзалов ҳамда Ҳ.Файзиёвнинг янги талқиндаги “Ўтган кунлар”(1998й.) фильмини яратдилар. Тажрибали композитор М.Маҳмудов фильмнинг мазмун моҳиятини чуқур ҳис қилган ҳолда ўзбек драматурги А.Қодирийнинг шу номли романидаги барча кечинмаларни тўлиқ очиб беришга ҳаракат қилди.

Яна бир ўзбек халқи маданияти, урф одатлари билан сугорилган “Чимилдик” (реж. М.Абзалов композитор М.Маҳмудов) фильми томошабинлар сафини йўқотгани йўқ. Фильм айнан ўша Сурхон халқининг миллий одатларини кўрсатиб беради. Композитор томонида миллий руҳдаги оҳанглар яратилганлиги фильм савиясини янада бойитишга ёрдам берди.

Баъзи ҳолларда фильмда мусиқа умуман иштирок этмаслиги мумкин. Бу ҳолда ҳаммаси сценарий муаллифи, режиссёр қарашларидан келиб чиқади. Бундай йўл онгли равишда танланади. Япон режиссёри К.Синдонинг “Ялангоч орол” фильмида нафақат мусиқа, балки диалоглар ҳам йўқ, бўлса ҳам улар бир неча сўздангина иборат. Фильмнинг бутун мазмуни, теран

гояси актёрларнинг ифодали ўйинлари, огир шароитда яшовчи оила ҳаёти ҳақида шошилмай сўзлаб беришлар орқали яратилади. Шундай қилиб, мусиканинг кинодаги роли жуда катта. У режиссёрнинг нияти ва унинг кандай талқин этилишига боглиқ. Мусиканинг фильмдаги ўрни, савияси композиторга қанчалик боглиқ бўлса, фильмнинг ифодалилиги ҳам унга шунчалик дахлдордир. Зеро, мусиқа фильмнинг кинематографик ифодавийлигини таъминловчи тенг ҳуқуқли компонентиدير.

Кинодаги фаолият композитор учун янгидан-янги мусикий услубларни жорий этиши ҳамда қадимий ва халқчил мусиқа анъаналарига мурожаат қилишига олиб келади. Шу билан бир қаторда ушбу жараён яхлит ва лўнда асарларни яратишда, муайян вазият ва лавҳаларни мусиқа ифода воситалари орқали аниқ ва ўринли тавсифлаш каби жихатлар ижодкор учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Айниқса, кинотасвир билан ишлашда композитор янги синтетик санъатда мусиканинг янги вазифа ва хусусиятларини англайди. Бундан ташқари, киножараёнда ноодатий таркибдаги чолгуларга таяниб, янги эффект-товушларни яратиш борасида изланишлар олиб бориш имконияти тугилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Н.Янов-Яновская — “Музыка узбекского кино” (“Фан” Т.,1969.)
2. Зофья Лисса — “Эстетика киномузыки” (“Музыка” М.,1970.)
3. Ханжара Абулқосимова — “Кино санъати асослари” (“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Т.,2009.)
4. В.Холопова, Е.Чигарёва — “Альфред Шниттке” (“Советский композитор” М.,1990.)
5. Ханжара Абулқосимова — “Рождение узбекского кино” (“Наука” Т.,1965.)
6. З.Мирхайдарова — “Музыка в драматическом театре Узбекистан” (“Гофур Гулом” Т.,1986.)
7. Аннотированный каталог художественного кино Узбекистан 1925-2008 (“Санъат” Т.,2009).

